

TOSHKENT HAQIQATI

2026-yil
2-may
SHANBA
№ 35 (13896)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24



Haqiqat online



haqiqatonline_

АМАЛИЙ ЁНДАШУВДАН АНИҚ НАТИЖАЛАРГА

▼ Раҳбар ва ёшлар

Тошкент давлат юридик университетида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигида битирувчи талабалар бандлигини таъминлашга бағишланган “Раҳбар ва ёшлар” учрашуви бўлиб ўтди. Мазкур тадбир нафақат оддий мулоқот, балки ёшларнинг келажагини белгилаш, уларни аниқ иш ўринлари билан таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.



Мулоқотда вилоятнинг барча туман ва шаҳар ҳоким ўринбосарлари, турли бошқарма ва ташкилотлар мутасаддилари, банк-молия муассасалари масъуллари ҳамда университет раҳбарлари иштирок этишди. Тадбир очик, самимий ва айна

пайтда амалий руҳда ўтиб, унда ёшларни қийнаб келаётган масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, жорий йилда вилоятдан 125 нафар талаба Тошкент давлат юридик университетини тамомламоқда. Уларнинг 21 нафари

аплақачон давлат ва хусусий секторда иш фаолиятини бошлаган, 13 нафари ўзини ўзи банд қилган, қолган 91 нафари эса иш билан таъминланмаган.

Учрашув давомида вилоятда мавжуд имкониятлар ва меҳнат бозори

ҳақида атрофлича маълумот берилди. Хусусан, бугунги кунда худудларда Давлат хизматлари марказлари, ФХДЁ ва адлия бўлимлари замонавий инфратузилмага эга ҳолда фаолият юритмоқда.



▼ Очик мулоқот

Ўрта Чирчиқ туманида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказди.

Худудда ишбилармонлик фаоллигини ошириш, экспортга йўналтирилган янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлар фаолиятида юзага келаётган муаммоларни очик ва шаффоф муҳокама қилиш мақсадида ташкил этилган мулоқот кенг қамровли ёндашув асосида ташкил этилиб, унда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, банк-молия муассасалари раҳбарлари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти худудий бошқармаси ҳамда тегишли мутахассислар иштирок этишди.

ТАДБИРКОРЛАР МУАММОЛАРИ ТИНГЛАНДИ

Таъкидлаш жоизки, учрашув давомида Афғонистон йўналишида экспортни йўлга қўйиш ва кенгайтириш масалалари батафсил кўриб чиқилди. Бу йўналиш вилоят тадбиркорлари учун янги ташқи бозорларни ўзлаштириш, махсулотларни дивер-

ташкитлар иштирокида жойида ижобий ҳал этилди. Яна 42 нафар тадбиркорга эса ўз фаолиятини кенгайтириш, мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ва самарадорликни ошириш бўйича аниқ амалий тавсиялар берилди.

Viloyat bo'ylab

BO`KA tumanidagi “Abdurafe Rajabzoda” fermer xo`jaligi dala maydonida xorijiy paxta navlarining gerbisidlariga chidamliligi hamda bir necha turdagi dorilarni sinovdan o`tkazish bo'yicha seminar bo'lib o'tdi. Unda xorijiy paxta navlarining agrotexnik xususiyatlari, gerbisidlarini qo'llash me'yorlari va muddatlari, begona o'tlarga qarshi samarali kurashish usullari yuzasidan amaliy ko'rsatmalar berildi. Ma'lumot uchun, tumanda 2026-yil hosili uchun jami 9 ming gektar maydonga paxta ekilgan bo'lib, vegetatsiya jarayoni izchil davom etmoqda.

CHIRCHIQ davlat pedagogika universitetida O'zbek Milliy akademik drama teatri aktyorlari ishtirokida «San'at va ilm chorrahasida» mavzusida ijodiy uchrashuv o'tkazildi. O'zbekiston xalq artisti Tesha Mo'minov ijodiga bag'ishlangan kechada O'zbekiston xalq artistlari Muqaddas Holiqova, Gavhar Zokirova, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan artistlar Ra'no Yarashева, Tolib Mo'minov, aktyorlar Davron Karimov, Sharofiddin Muzropov, “Guliston” va “Teatr” jurnallari birlashgan tahririyati bosh muharriri Shahribonu Imomova, talaba-yoshlar hamda OAV vakillari ishtirok etishdi.

ANGREN shahrining Bunyodkor ko'chasida joylashgan “Xotira xiyoboni”ni zamonaviy aholi dam olish maskaniga aylantirish maqsadida “Yangi Angren bog'i” barpo etilmoqda. Mazkur loyiha shahar hokimi A.Rayimov tashabbusiga ko'ra amalga oshirilmoqda. Yangi bog'da sug'orish tizimi to'liq yo'lga qo'yilib, jami 1 ming 600 metr quvvur tortilidi hamda zarur qurilmalar o'rnatildi. Manzarali daraxt ko'chatlari, turli navdagi gullar ekildi. Piyodalar uchun yo'laklar bruschatkalar bilan qoplanib, zamonaviy va qulay sharoitlar yaratilmoqda.

BO`STONLIQ tumanida “Yoshlar ovozi” ko'rik-tanlovining tuman bosqichi bo'lib o'tdi. Tanlovda 10-15, 16-22 hamda 22-30 yosh toifasidagi iqtidorli yigit-qizlar baxshichilik, an'anaviy ijro, opera va estrada yo'nalishlarida o'z mahoratlarini namoyish etdilar. Qizg'in bellashuvlar yakunida eng munosib ishtirokchilar tanlovning viloyat bosqichiga yo'llanmani qo'lga kiritishdi.

YANGIYO'L tumani hokimi O.Atullayev “Qo'shtepa”, “Do'stlik” va “Umid” mahallalari fuqarolari bilan uchrashdi. Muloqotda aholining turmush sharoitini yanada yaxshilash, zamonaviy infratuzilmani rivojlantirish hamda Yangi O'zbekiston qiyofasiga mos hududlarni barpo etish borasida rejalashtirilgan ishlar yuzasidan taqdimot qilindi. Bu borada aholining taklif va mulohazalari tinglandi.

BEKOBOD shahri va tumanida yashovchi jami 54 nafar otaxon va onaxonlar uchun “Nuroni” jamg'armasi Respublika boshqaruvi tashabbusi bilan qadimi va betakror Samarqand shahriga sayohat uyushtirildi. Sayohatchilar shaharning muqaddas ziyoratgohlari, tarixiy obidalari va diqqatga sazovor maskanlarida bo'lib, milliy qadriyatlarimiz va boy tarixiy merosimiz bilan yanada yaqindan tanishishdi.

Замонавий автокомплекс хариддорларни кутмоқда

Яхши хабар

Юқори Чирчиқ туманида яна бир муҳим инвестицион лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди. Тумanning “Гулобод” маҳалласи худудида замонавий автомобиль савдо комплексининг очилиш маросими кўтаринки руҳда ўтди.



сификация қилиш ҳамда экспорт ҳажмини оширишда муҳим стратегик йўналиш сифатида қайд этилди.

Мулоқот давомида қарийб 100 нафар тадбиркор ўз фаолиятида дуч келаётган муаммоларни бевосита масъулларга етказди. Кўтарилган масалалар асосан бизнесни кенгайтириш, янги экспорт бозорларига чиқиш, ер майдонлари ажратилиши, молиявий қўллаб-қувватлаш, кредит ресурсларидан фойдаланиш ҳамда логистика ва инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни қамраб олди.

Яқунда 36 нафар тадбиркорнинг мурожаати тегишли

Шунингдек, кўшимча ўрганиш талаб этадиган айрим масалалар бўйича масъул ташкилотлар бириктирилди ҳамда аниқ мuddатлар белгиланди.

Умуман олганда, бундай очик мулоқотлар вилоятда тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, давлат органлари ва бизнес вакиллари ўртасида ишончли ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

Ижод улмониغا йўл

▼ Зомин семинари



Бугун юртимизда ижод аҳлига ҳар қачонгидан катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, юртбошимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган Республика ёш ижодкорларининг аъъанавий Зомин семинари бугунги кунда нафақат адабиёт байрами, балки янги истеъдодларни кашф этадиган, ёш қаламкашларнинг маҳоратини чарқлайдиган ўзига хос ижод мактабига айланди. Шу боис, унда иштирок этиш ҳар бир ёш ижодкорнинг орзуси, десак муболаға бўлмайди.

АМАЛИЙ ЁНДАШУВДАН АНИҚ НАТИЖАЛАРГА

Шунингдек, вилоятда 469 та хусусий адвокатура тузилмалари ҳамда 86 та хусусий нотариал идоралар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бу ёш юристлар учун кенг имкониятлар эшигини очди.

Айни пайтда вилоятда юридик соҳа ва ҳуқуқ-тартибот тизимида жами 197 та бўш иш ўрни мавжудлиги қайд этилди. Жумладан, адлия тизимида 5 та, прокуратура тизимида 1 та, Мажбурий ижро бюросида 55 та ҳамда ички ишлар органларида 78 та вакант ўрин мавжуд. Ушбу лавозимлар орасида терговчи, профилактика инспектори ва пробацция инспектори каби муҳим йўналишлар алоҳида аҳамият касб этади. Бундан ташқари, ARGOS электрон платформаси орқали корхона ва ташкилотларда яна 52 та юрист лавозими очик экани маълум қилинди.

Учрашувда Зойир Мирзаев вилоятда юридик соҳани ривожлантириш, ёш мутахассислар учун амалий шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида атофлича маълумот берди. Хусусан, вилоятда ташкил этилган “Тергов полигони” ёш юристлар учун

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



муҳим амалий майдон экани алоҳида таъкидланди.

Қайд этилишича, мазкур полигон орқали талабалар ва ёш мутахассислар тергов жараёнини амалиётда синаб кўриш, жиноят ишларини юритиш тартиби, далиллар билан ишлаш, процессуал ҳужжатларни

расмийлаштириш каби кўникмаларни бевосита ўрганиш имконига эга бўлишмоқда. Бу эса назарий билимларни мустаҳкамлаш билан бирга, уларнинг қайди фаолиятига тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу кунги ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш борасида амалий

қадамлар ҳам қўйилди. Жумладан, туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан битирувчилар билан яқка тартибда суҳбатлар ўтказилиб, уларнинг 28 нафарига ишга жойлашиш бўйича кафолатланган сертификатлар топширилди. Бу эса ёшларнинг меҳнат бозорига кириб боришини енгиллаштириш, уларнинг келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мулоқотда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан муносабат қилиб, мутахассислардан аниқ жавоблар олишди. Шунингдек, уларни ҳудудларга йўналтириш, мавжуд вакант ўринларга жойлаштириш ҳамда истиқболда малакали кадрлар захирасини шакллантириш юзасидан устувор вазифалар белгилаб олинди.

Ўқувда Тошкент давлат юридик университети билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Мазкур ҳужжат ёш кадрларни тайёрлаш, уларни амалиёт билан уйғунлаштириш ва иш билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўтқир ҚОШИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

▼ Матбуот анжумани

ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ ВА УСТУВОР РЕЖАЛАР

Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида журналистлар ва жамоатчилик вакиллари учун матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 6 декабрдаги “Давлат хизматида бошқарув самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг мазмун-моҳияти, шунингдек, Агентликнинг Тошкент вилояти филиали томонидан 2026 йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Матбуот анжуманида фармонда белгиланган вазифалар ижроси ва унинг аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шундан сўнг филиал томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида давлат идораларида бошқарув сифатини ошириш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда вилоятдаги “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман (шаҳар)” мақоми берилган ҳудудларда тажриба-синов тарихида жорий этилаётган замонавий бошқарув модели ҳақида батафсил маълумот берилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда энг муҳим йўналишлардан бири бу янги имкониятларни аниқлаш ва драйвер соҳаларни шакллантириш ҳисобланади. Шу бўйича Бошқарув самарадорлиги агентлиги Тошкент вилояти филиали томонидан ҳар бир туман-шаҳар кесимида мавжуд ресурслар, иқтисодий салоҳият ва аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятлари чуқур таҳлил қилинмоқда. Амалга оширилган ўрганишлар натижасида ҳудудларнинг “Усиш нукталари” аниқланяпти, маҳаллалар кесимида даромад манбалари таҳлил қилинмоқда ва аҳолини тадбиркорликка жалб этиш бўйича янги имкониятлар шакллантирилмоқда. Хусусан, қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш, кичик саноат ва кооперация асосида ташкил этилган лойиҳалар ҳудудлар учун асосий драйверлар сифатида белгиланмоқда.

Шунингдек, тадбирда давлат фуқаролик хизматида ишга қабул қилиш фақат очик танлов асосида амалга оширилиши, бу жараёнда номзодлар нималарга эътибор қаратиши борасида маълумот берилди. Қайд этили-

шича, 2026 йил ушбу йўналишда 1 минг 209 та вакант лавозим бўйича 2 минг 416 та танлов ўтказилган ва 21 минг 544 нафар номзоддан аризалар келиб тушди. Шундан, 550 нафар номзод танлов голиби деб топилган.

– Давлат бошқаруви самарадорлигини оширишда энг муҳим омиллардан бири давлат фуқаролик хизматчиларининг билим, кўникма ва малакаси ҳисобланади, – дейди Бошқарув самарадорлиги агентлиги Тошкент вилояти филиали раҳбари ўринбосари Мирзабек Ташбаев. – Шу боисдан ҳам Агентлик томонидан кадрлар салоҳиятини янада ривожлантириб боришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, Агентликнинг вилоят филиали томонидан 2025 йил давомида давлат хизматчиларининг замонавий билим ва кўникмаларини шакллантириш, уларнинг соҳавий тажрибасини ошириш мақсадида кенг қўллаб-қувватлаш асосида ўқувлар ташкил этилди. Уларда 23 минг 957 нафар давлат хизматчилиги иштирок этди. Шундан 5 минг 380 нафари анъанавий шаклда бўлса, 18 минг 577 нафари ма-софавий таълим орқали қамраб олинди. Бу кўрсаткичлар ўқув жараёнининг нафақат кенг қамровли, балки замонавий ва мослашувчан форматда ташкил этилганини кўрсатади.

Тадбир давомида оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олдидилар.

Мулоқот якунида давлат органларида натижага асосланган бошқарув тизимини жорий этиш, ҳудудларда янги имкониятларни аниқлаш ҳамда бошқарув самарадорлигини оширишга қаратилган тизимли ислохотларни кенг жамоатчиликка етказишнинг самарали шакллари бўйича ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

Замонавий автокомплекс харидорларни кутмоқда

Тантанали тадбирда туман ҳокими Ускенбай Атемов иштирок этиб, мазкур лойиҳанинг ҳудуд иқтисодиёти учун аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтди. У ўз сўзида бу каби замонавий мажмуалар аҳолига қўлай хизмат кўрсатиш билан бирга, янги иш ўринлари яратишда муҳим ўрин тутганини таъкидлади.

Мазкур йирик лойиҳа “ORBIS ESTET” масъулия-чекланган жамияти томонидан амалга оширилмоқда. Комплекс барпо этиш учун 10 миллион евро

миқдорда хорижий инвестициялар жалб қилингани эса унинг қанчалик аҳамиятли эканини кўрсатади.

Айниқса, ушбу мажмуа таркибиде дунёга машҳур Porsche бренди учун махсус автосалон ташкил этилаётгани эътиборлидир. Бу эса нафақат туман, балки бутун вилоят миқёсида юқори сифатли, халқаро стандартларга жавоб берадиган хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилаётганидан далолат беради.

Автокомплекс ишга туширилиши натижасида аҳоли учун замонавий ва қўлай

хизматлар йўлга қўйилиб, бир қатор янги иш ўринлари яратилади. Энг муҳими, мазкур лойиҳа туманнинг инвестицион жозибадорлигини янада ошириб, унинг иқтисодий ривожига салмоқли ҳисса қўшиши кутилмоқда. Шунингдек, бундай йирик ва замонавий ташаббуслар ҳудудни янги бошқича олиб чиқиш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва бизнес муҳитини янада ривожлантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Юқори Чирчик тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

“АСАЛАРИ ДАРАХТИ” ёки “ХУШБЎЙ ОЛМОС”

Юртимизда давлатимиз томонидан асаларичиликка катта эътибор қаратилиб, халқимизни сифатли асал маҳсулотлари билан таъминлаш, экспортни йўлга қўйиш учун кенг имконият ва шароитлар яратиб берилмоқда. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Сув танқислиги, қургочликнинг ортиб бориши натижасида турли гуллар ва ўт-ўланларнинг камайиб кетаётгани асал етиштирувчиларни ташвишга солмоқда.

▼ Яшил макон

Маълумки, баҳорда табиат уйғониб, дарахтлар гуллаганда асаларилар учун озуқа манбаи пайдо бўлади. Эз фаслида жараён камаяди. Қузда эса пахта далапаридан озуқа йиғилади. Бироқ бу мўл ҳосил олиш учун етарли эмас. Нима қилиш керак? Имкониятлар борми? Ҳа, бор. Зангиоталик доирасида Анвар Ибрагимовнинг қўл йиллик изланишлари самара берди. У асаларилар учун катта миқдорда шира бера оладиган Evodiya дарахтини иқлим шароитимизга мослаб, давлат реестрига киритишга эришди.

– Асалариларни кўпайтириш бир масала бўлса, уларни боқиб иккинчи масала, – дейди Анвар Ибрагимов. – Бунинг учун юртимизда озуқа манбаини яратиш лозим. Evodiya дарахти айнан озуқа танқислашиб бораётган вақтда гуллаши ва нектари кўплиги билан аҳамиятлидир. Унинг шифобахш хусусиятлари борлигини инобатга олсак, кўпайтириш яна ҳам долзарблик касб этади. Бу дарахтдан плантациялар яратиб, хонадонларга экиб юртимизда яшил маконларни кўпайтириш, ҳам асал, ҳам дори йўналишида фойдаланишни таъминлашимиз зарур. Бу билан халқимизни арзон ва сифатли асал билан

таъминлашга ҳамда экспорт қўламини кенгайтиришга эришамиз.

Анвар Ибрагимовнинг айтишича, у 2020 йилда Корея ва Хитойнинг айрим ҳудудларидангина экиладиган бу дарахтнинг уруғларини олиб келган. Бир томондан пандемия, бир томондан уруғнинг қимматлиги ва олиб келиш муаммолари сабаб жараён осон кечмади. Ўзига тегишли “Иброҳим Раҳмат” хусусий корхонасининг илмий-тажриба дала майдонига уруғларни экиш, ундиришга эришди. Сўнг бир йиллик кўчадан намуна олиб, уни шартнома асосида “in-vitro” лабораториясида кўпайтириб, кўчат тайёрланди. Кўчатлар дастлаб иссиқхонага, кейин очик майдонга экилди. 2024 йилда дарахт биринчи бор гулга кирди, 2025 йилда эса қийғос гуллади. Кўчатлар юртимизнинг турли вилоятларига тажриба сифатида очик майдонга экиш учун тарқатилди. Тажриба бу дарахтнинг барча ҳудудларда экиш мумкинлигини кўрсатди. Айни пайтда 2 минг туздан ортиқ 3 йиллик кўчатлар мавжуд бўлиб, уларни мамлакатимизнинг исталган ҳудудига экиш мумкин.

Маълумотларга кўра, ниҳоятда манзарали, экологик жиҳатдан манфаат-

ли, асаларига қимматли озуқа ҳисобланган Evodiya дарахти эндиликда Англия, Германия, Франция давлатларида ҳам устирилади. Бу дарахт июнь ойидан октябргача гуллаб туради. Инглизлар уни “Асалари дарахти”, немислар эса “Хушбўй олмос” деб аташади. Гуллаб бўлган, беҳисоб майда уруғлари қўшлар учун озуқа бўлади. У тупроқ танламайди. Унумсиз, қўлтўроқли ерларда ўсиб, 3-4 йилда гуллайди. Асаларилар ундан липа дарахтига нисбатан 10 барobar кўп асал йиғади. Бундан ташқари, кўнига тахминан 3 микрограммгача гулчанг тўплашлари умкин. Вояга етган битта дарахтдан 60 кгдан 90 кггача, бир гектар майдонга экилган дарахтдан эса 6-8 тоннагача асал олиш мумкин бўлади.

Маълумки, бугунги экологик муаммолар – ҳавонинг ифлосланиши, чанг ва чиқиндилар миқдорининг ортиши хавф солиб турган вақтда, атроф-муҳитни кўкаламзорлаштириш масаласи янада долзарб бўлиб бормоқда. Дарахтларни кўпайтириш орқали табиатдаги барқарорликни асраб қолишга ҳисса қўшиш эса ҳар биримизнинг бурчимиз.

Яқинда давлатимиз раҳбари томо-

Нурафшон шаҳрида ▼ Давра суҳбати
“Тошкент вилоятида жамоатчилик назорати механизмлари: Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЖАМИЯТ – ИСЛОХОТЛАР ТАШАББУСКОРИ



Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази вилоят ҳудудий бўлинимаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган илчил ислохотлар, жамоатчилик назоратини кучайтириш, давлат органлари фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, бугунги кунда “Давлат – ёш ислохотчи” тамойилидан “Жамият – ислохотлар ташаббускори” тамойилига ўтиш жараёни илчил давом этмоқда.

Давра суҳбати иштирокчилари депутатлар, маҳалла ва нодавлат ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш орқали ҳудудларда жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолини қўйнаётган муаммоларни жойида ҳал этиш ҳамда қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчилик фикрини инобатга олиш муҳимлигини таъкидладилар.

– Давлат бошқаруви тизимида жамоатчилик назоратини жорий этиш ва «давлат – жамият – фуқаро» тамойилини ҳаётга татбиқ этишда вилоятдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва маҳаллаларнинг ўрни катта, – дейди Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази вилоят ҳудудий бўлинимаси етакчи мутахассиси Ш.Ахунжонов. – Айни пайтда Тошкент вилояти бўйича 800 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари рўйхатдан ўтган бўлиб, улар асосан ижтимоий ҳимоя, экология, ҳуқуқий саводхонлик ва ёшлар масалалари билан шуғулланмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида вилоятдаги ижтимоий аҳамиятга молик 10 дан зиёд лойиҳаларни молиялаштириш учун давлат грантлари сифатида 1 миллиард 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Бундан ташқари, Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш марказининг вилоят бўлими томонидан 2025 йил давомида 14 минг 547 нафар аёллар ва ёшлар касб-ҳунарга ўқитилди ҳамда имтиёзли кредитлар олишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, уларнинг 1 минг 103 нафари яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтди, 6 минг 605 нафари ўзини ўзи банд қилди, 3 минг 755 нафарининг расмий бандлиги таъминланди. Муҳими, фуқаролик жамияти институтлари давлат бошқарувида нафақат қўмақчи, балки унинг самарадорлигини белгиловчи асосий кўчага айланди.

Тадбирда жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада ошириш, аҳоли билан мулоқотни кучайтириш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Хулоса қилиб айтганда, бундай мулоқотлар давлат ва жамият ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, очик ва адолатли бошқарув тизимини шакллантириш, энг муҳими, аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Нигора УРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Муаллиф олган сурат



нидан имзоланган тегишли фармонга мувофиқ, 2030 йилга қадар мамлакатимизда яшил ҳудудлар улushiни 30 фоизга етказиш, ҳар бир аҳоли жон бандон 10 квадрат метр яшил майдон тўғри келишини таъминлаш каби вазифалар белгиланди. Бу эса “Яшил макон” лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар янада кенг қўллаб-қувватлаш билдиради. Лойиҳада экилаётган дарахтлар иқлимимизга мослиги ҳамда тез ривожланишига алоҳида эътибор қаратилляпти. Шундай экан, Evodiya дарахтининг маҳаллийлаштирилиб, давлат реестрига киритилгани ва “Яшил макон” лойиҳаси доирасида экишга тасвია қилиниши нафақат асалари оилаларига нектар манбаи бўлиши, балки одамларга эстетик завқ улаштиришга ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

Нозима РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Меҳриддин ИБРАГИМОВ
олган сурат

Ижод уюшманига йўл

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Айни кунларда эса ушбу нуфузли анжуманинг ҳудудий саралаш босқичлари кўтаринки руҳ, катта қизиқиш ва ижодий беллашувлар ила ўтказилмоқда.

Хусусан, Нурафшон шаҳрида Тошкент ва Сирдарё вилоятларининг 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган 22 нафар ёш қаламкашлари иштирокида назм, наср, болалар адабиёти, бадий публицистика, бадий таржима, адабий-бадий танқид, драматургия сингари йўналишларда ҳудудий саралаш босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими мезбонлик қилган анжуманинг очилиш маросимида давлатимиз раҳбари томонидан маъна-



чиларига фахрий ёрлик, китоблар тўплами ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Анжуманда устозлар эътирофига сазовор бўлган ёшлар Зомин туманининг сулим тоғлар бағридаги Ўриқлисойда ўтадиган анъанавий семинарнинг финал босқичида иштирок этишади.

Зикрилла МУҲАММАД,
“Тошкент ҳақиқати”
муҳбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар



вият ва маърифат таянчи бўлган адабиёт соҳасига, хусусан, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор алоҳида эътироф этилди.

Тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Маҳмуд Тоир олиб борди.

– Бугунги ёшларнинг шиддати, дунёқараши ва фикрлаш тарзи бизни қувонтиради. Уларнинг ижодида замон нафаси, миллат дарди ва келажакка ишонч бор, – дея таъкидлади устоз ижодкор.

Шунингдек, уюшманинг Сирдарё бўлими раҳбари Норинисо Қосимова ҳам икки вилоят ёшларини қутлади.

Семинар давомида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, таниқли ижодкорлар Адхамбек Алимбеков, Мухиддин Омон, Равшан Исоқов, Маъмура Зоҳидова, Дилфуза Қаршибоева ва Хулкар Шерзодова ёшларнинг иқтидори ва салоҳиятини баҳолаб боришди. Шунингдек, улар иштирокида маҳорат дарслари ўтказилди.

Яқунда тадбир иштирок-

▼ Таассурот

Хабарингиз бор, маданият ва санъат соҳаси ходимларининг касб байрами муносабати билан Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти Кенгаши томонидан Хоразм сەъҳати учун 50 кишилик ваучер тўхфа қилинган эди. Кунни кеча вилоят Маданият бошқармаси тизимидаги ташкилотлар, musiқа мактаблари ҳамда маданият марказларининг фаол ва ташаббускор вакиллари бой тарихий меросга эга Хоразм воҳасига сەъҳат қилиб қайтишди.

УНУТИЛМАС саёҳат




Сафар давомида иштирокчилар Хива, Урганч ва Шовот туманида бўлиб, бу ҳудудлардаги тарихий ва маданий обидалар билан яқиндан танишишди. Жумладан, Ичанқалъа, Қўҳна Арқ, Калта Минор, Тошховли саройи, Муҳаммад Аминхон мадрасаси ҳамда Жума масжиди каби обидалар уларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, сафар доирасида Ул-лихонли туркман уй-музейи, Ниёз Муҳаммад Охунд бобо жоме масжиди ва Юсуф Ҳамадоний мажмуаси зиёрат қилиниб, ушбу масканлар билан боғлиқ тарихий ва маънавий мерос ҳақида қизиқarli маълумотлар олинди.

– Хоразм сەъҳати барчамиз учун ниҳоятда қизиқarli ва эсда қолarli бўлди, – дейди Қўйи Чирчиқ тумани маданият бўлими ходимаси Мафтуна Убайдуллаева. – Айниқса, тарихий обидаларнинг бой ўтмиши бизни лол қолдирди. Бу сафар нафақат дам олиш, балки касбий фаолиятимиз учун янги ғоя ва илҳом манбаи бўлди. Барча ташкилотчиларга раҳмат.

Мазкур сەъҳат маданият соҳаси ходимларига миллий меросимизни чуқурроқ англаш имконини берди. Энг муҳими, бу каби ташаббуслар соҳа вакилларини рағбатлантириш, уларнинг касбий салоҳиятини ошириш ҳамда янги ташаббусларга туртки беришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз мухбиримиз



Моҳият

* Ниманидир ўрганишга бўлган қучли истак бу аллақачон 50 фоиз муваффақиятдир.

Дейл Карнеги

* Бу дунёда ҳақиқатни гапиришдан қийинроқ, хушомад қилишдан осонроқ нарса йўқ.

Фёдор Достоевский

* Агар сизга нимага эга бўлаётганингиз ёқмаса, унда бераётганингизни ўзгартиринг.

Жалолиддин Румий

– Мумкинми? Гуд монинг! Салом! Рухсатингиз билан ўзимни представитъ этсам... Жонетта Кабуловна Халтаева! Мен к сожале нию sizinг сочинениеларингизни ўқган эмасман. Ростини айтсам, китоб ўқишга вақт йўқ. Биласиз, время – деньги. Хотя эшитганман. В основном мамашкалар ҳақида ёзаркансиз.

Менинг ҳам тўртта болам бор... Нима? Унақага ўхшамайди, дейсизми? Раҳмат, комплемент учун! Ҳамма шунақа дейди. Мен мамамга ўхшайман. Мамам олтимиз ёшдамга аппетитный эди. Как куколка! Ҳар кунни сочини причёска қилдирарди. Альбиальтга! Альбиальтни та-

оламан, сен, Тошкентта кетавер, регулярно бориб тураман”, деди. “О-кей!” Дедим...

...Нигорочка – Самарқандда. Тоестъ, Нигорочка эмас, Наргизочка! Нигорочка – Қўқонда...

Где-то икки йилча олдин Самарқандда бордим. Наргизочканинг детдомига кирдим. Детдом – так себе. Аммо директор ништяк экан! Дылда!

Буй-баста икки метр. “Братан, дедим, – Наргизочкадан хабар олишим қийин. Ишларим навалом”, дедим. “Хотиржам бўлинг. Наргизочкага ўзим оталик қиламан”, деди. Уч кун меҳмон бўлдим. Кр-р-утой эркак экан! Молодец!

Ҳар кунни минг хил ўйинчоқ олиб келади. Ҳаммасига ўзи айбдор! Нукул замечание беради, нотацйа ўқийди. “Жаннатхон, таҳорат сувини яхши иситмабсиз. Хуфтондан кейин кўчага чиқмасинлар. Номаҳрамларга кўринмасинлар. Бегона эркаклар билан гаплашмасинлар!” Томи кетган фанатик! Эркакнинг ҳам бегонаси буларканми?! Э, сирпал, дедим! Обберган бир хонали квартирангга как дурочка учинчи хотин бўлиб ўтиришим керакми, дедим!

...Пардон, яна оловингиздан... Сенкью. Между прочим, зажигалкангизга гап йўқ! Кўп чекасизми? Шавкатнинг папасиям кўп чекарди.

600!” Белдерсойдаги дачасини айтинг! Саунаси, бассейни...

Нет равных! Бир йилча бўлди. Россияга кетганча дараги йўқ. Уша ердаги братанлардан суриштирсам, биз не в курсе дело, дейди...

Шавкатчик ўзимда. Икки ёшга чиқди. Шустрый. Ходячая бомба. Между нами бир гап айтмайми? Уйга нотаниш “дядя”лар келса, ҳалигдан мени ревновать қилади, паразит! Сизни “фазенда”га “ходячий бомба” йўқлигида чақираман, о-кей! В общем майли, ближе к делу!



хонали уйингиз бор экан-ку!” дейди. Мен уйни сенинг пулингга опманми? Худого шукур, бошимда эрларим, тоестъ, эрим бор, тоестъ бор эди. Бу уйни ўз пулимга сотиб олганман. Йигирма минг “бакс”га! Тагин нима дейди денг, фразер? “Опазон, “монетный двор”дан чиқиб келдингизми, ҳамма ёгингиз бриллиант-ку!” дейди. Менга комплимент қиялпти, сопляк! Бриллиантни сен подарка қипсанми? Аёл бошим билан бизнес қиялман. “Челнок”ка борялман. Стамбулга, Дубайга, Южный Кореяга... Осонми? Ҳар қадамда “мент”! “Доля” чўзмасанг, ҳаммасини опқўяди!

Кстати... Дубайда бўлганмисиз? Обязательно боринг! Техника почти даром! Тилла – навалом. Араблар темпераментный бў... Ну, буниси неважно!

Короче, ҳокимиятдаги ўша пацан “Сизга уй йўқ, ҳамма квартиралар приватизация қилиб бўлинган, қаёққа борсангиз – “катта кўча”, деди. Шуну бир фельетон қилинг! Беспомощный мать-одинокани унижат қилиш қанақа бўлишини бир кўрсатиб қўйинг! Мен ҳам қарздор бўлиб қолмайман. Фамилияси... Минуточку, фамилияси... Эзиб олганман...

Нима? Езмайсиз? Тоестъ, как ёзмайсиз? Нима? Нима дедингиз? Яна бир қайтаринг! “Мен инкубатор тузатадиган уста эмасман”, дедингизми? Ким инкубатор? Нега аёл кишини ҳақорат қиласиз? Нима ҳақингиз бор? Нахал! Писака несчастный! Ма, зажигалканг бош-ш-шингдан қолсин!

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Сўққабдош бевагина

(Ҳажвия)



нийсизми? Неужели? Первокласный мастер-ку! Мужской салонига бормаганмисиз? Впрочем, майли... Оловингиз борми?... Йўқ-йўқ, мен “Море” чекаман... Сенкью. Зажигалкангизга гап йўқ. Точно импортный!

Итак, тўртта болам бор. Маратик – Нукусда. Интернетда. Ёши... Минуточку, ёши, помоемо ўн тўртта. Шу йил ўн тўртта киради. Копия – папаса. Кр-р-расавчик! Смуглилиги, кўзининг разрезси... Папаса билан биринчи встречами Нукусда практикага борганимда бўлган. Зам. министр эди. Шунақа абаятельная, шунақа интеллигентный. Икки йилча турди. Цивилизованный ақрашдик. Тўғрисини айтди. “Жаночка, жоним, – деди, – бу ёғи прокол бўладиганга ўхшайди, хотиним жалоба ёзибди, двоеженство учун ишдан ҳайдашлари мумкин”, деди. Биласиз, у пайта бунақа масалалар строгий эди. “Маратик учун волноватся қилма, ўзим опекамга

Наргизочканинг папочкаси ҳам крутой эди. Межрайонный нефтебазада директор бўлиб ишларди. Ёши эллигдан ошган бўлса-да, как огурчик эди. Самарқанднинг пахани эди. Хотинидан кўркмасдан шик-карный туй қилди. Ресторанда. Ёмон яшамадик... Қамалиб кетгани чаток бўлди.

Уша ердан “ксива” келди – хабар. У кишининг айтишларича, как будто ҳаммасига мен виновата эканман. Э, тўкил дедим! Бензинга дизтопливо қўшишни мен ўргатдимми сенга дедим!

Аммо Нигорочкадан анчадан бери хабар олганим йўқ. Айттим-ку, “время – деньги”. Қўқонга ҳеч йўлим тушмаяпти. Нигорочка отасида қолган. Предприниматель эди. “Жаҳон бозорида” саккизта “точка”си бор эди. Характери “миленький”. Такой послушный. Иккита хотинидан боласи бўлмагани учунми, Нигорочкани жонидан ортиқ кўрарди.



Мана буни настоящий мужик деса бўлади! Қомат бесподобный! Сочлар курчавый! Бизнесни синдириб қўяди! Ҳамма иши “дода”! Тўртта хотинини вот так обеспечить қилиб қўйган. Разумеется ЗАГСимиз йўқ эди. Впрочем буниси неважно. Иккита “Мерси” бор эди. “Мерс-

Менга сизнинг паддержангиз керрак. Ҳокимиятга заявление берган эдим. “Мен мать одиночкаман. Қийнаиб кетдим, шаҳар марказидан квартира беришингизни сўрайман”, деб. Борсам бир пацан ўтирибди. Ун кундан кейин келинг, деди. Бугун борсам нима дейди денг? “Тўрт



TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

G’afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o’rinbosari,
nashr uchun mas’ul:

Suhrobjon SADIROV

Mas’ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Mehridin IBRAGIMOV

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas’ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo’lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 20:00.

Bosishga topshirildi – 18:30.

Nashr ko’rsatkichi – 205.

Buyurtma G-535.

8 087 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog’oz bichimi A–2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro’yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo’li ko’chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofsimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko’chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tahir Mahmudxo’jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.

Korxonaning manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.